Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 144 (3645)
27 СЕШАНБА
ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Тежамкорлик—яхши хислат

Ҳар литри ҳисобда

Тошкент тепловоз депосининг С. Е. Балюра бошлиқ шаҳар атрофига қатнайдиган пассажир поездлари колоннаси коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида 100 тонна ёнилғи тежаш мажбуриятини олишган.

Аҳдига вафодор коллектив йил бошидан ёнилғини тежаш резервларини тинмай излаяпти. Бу ерда ҳар литр ёнилғи ҳисобда. Июнь ойига қадар колонна бўйича 65 тонна ёнилғи тежалди. Коллективнинг бу ютуғига машинистлар М. С. Горяйнов, А. С. Чуев, Х. М. Маллабоев, Н. Отахўжаев, В. М. Угрюмовлар муносиб ҳисса қўшишди. Масалан, Н. Отахўжаевни олайлик. Тошкент тепловоз депосида бир неча йилдан бери ишлаб келаётган бу машинист ёнилғини тежашга катта эътибор беради. Н. Отахўжаев 1977 йилда шаҳар атрофига юрувчи пассажир поездини йўл хавфсизлигини сақлаган ҳолда бошқариб, 3838 килограмм ёнилғини тежаб қолган эди. Бу йил у партия ва ҳукуматимизнинг мактубига жавобан оширилган мажбурият олиб, 4500 килограмм ёнилғи тежаб қолмоқчи. Тежамкор машинист 1 кварталнинг ўзидаёқ 3132 килограмм ёқилғи тежаб қолди. Бу йил ҳам у ҳар йилдагидек мажбуриятини ошиғи билан бажаради.

М. ҲАКИМОВ,
Тошкент тепловоз депоси ишчиси.

Янгилик! Хабарингиз борми?

МЕТРОДА АВТОБОШҚАРУВ

Тошкент метроси ер ости поездлари тезликни автоматик ростлаш системаси ёрдамида қатнай бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо эндиликда метро депосидаги АРС лабораториясида поездларни автоматик бошқариш мосламаларини синаб кўришга ҳозирлик кўрилмоқда.

Яқинда Москвадаги Мтишчи машинасозлик заводидан автобошқарув жиҳозларининг схемалари, вагонларни автобошқарув мосламалари билан жиҳозлаш учун дастлабки аппаратлар қабул қилиб олинди. Шу кунларда тез юрар ер ости поездларидан бирига ана шу автобошқарув системаси жиҳозларини монтаж қилишга тайёргарлик кўриляпти. Бу янги мосламалар монтаж қилиб бўлингач, унинг автоматик ускуналари ер ости трассаларида синовдан ўтади.

Бу синовлар ниҳоясига етгач, яқин келгусида Тошкент ер ости поездларини худди Москва метросининг айрим линияларида бўлгани кабн машинист ёрдамисиз автоматик бошқарувга ўтиш мумкин бўлади. Бу эса ер ости поездлари экипажини бир кишига қисқартириш имконини беради. Поездларни ҳаракатга келтириш, тўхтатиш, эшикларни очиб ёпиш, станцияларни эълон қилиш каби ҳамма ишларни автоматика ўз зиммасига олади.

Машинист эса автоматика ишини назорат қилиб боради ва лозим бўлгандагина бошқаришга раҳбарлик қилиши мумкин.

Зарбдор меҳнатимиз, ижодий изланишимиз — беш йилликка

• Беш йиллик вахтасида

ОЛТИ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР

БУГУН

кўн-мўйна заводи коллективи йил бошидан бери 5 миллион 325 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, олти ойлик планни муваффақиятли адо этди. Бу маҳсулотнинг 1.250 минг сўмликдан ортиғи фахрли беш қиррали белги билан тайёрланди.

Корхонада ҳозир беш хил буюм — аёллар ва қиз болаларнинг тўрт хил моделдаги пальтосини ва қўй майнасини Сифат белгиси билан тайёрлаяпти. Бу буюмларнинг харидорлар ўртасида бозори чаққон.

Коллективда беш йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун курашда илғор ишчилар Ш. Зоҳидов, А. Ларионова, М. Исмоилова кўпчиликка намуна бўлишяпти. Булар смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажаришдан ташқари, ҳамма маҳсулотни аъло сифатда тайёрлашяпти.

Коллектив ой охиригача планга қўшимча 340 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот беради.

Сифатга эътибор

Лак-бўёқ заводи коллективи ишлаб чиқараётган сув эмульсияли бўёқ аҳолига ғоят манзур бўлмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Фахрли беш қиррали ёрлиқ билан тайёрланаётган бу оқ рангли бўёқ хоналарни бўяшда жуда қўл келяпти. У анча ишончли ва тез қурийди. Яқинда корхона коллективининг яна бир маҳсулотига давлат Сифат белгиси берилди. Бу «ПФ—266» маркали эмалдир. Ҳозирда жами тўрт хил маҳсулот — БТ—577 маркали лак битуми, сув эмульсияли бўёқ, «ПФ — 155» маркали кул ранг эмаль ва «ПФ— 266» эмали давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

Корхона коллективи маҳсулот реализация қилиш бўйича беш ойлик планни муваффақиятли бажариб, пландаги 21 миллион 750 минг сўмлик ўрнига 22 миллион 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Натижада зиммага олинган социалистик мажбурият ҳам ортиғи билан адо этилди. Эндиликда лак-бўёқчилар ярим йиллик планни ҳам муваффақиятли бажариш арафасида туришибди.

СССР Конституциясининг бир йиллигигача уч йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган 1-цех аппаратчиси С. Усганбоев, шу цех слесари И Каримжонов, ремонт-механика цехининг токари А. Гаврилов, 6-цех ишчиси С. Фаҳриддиновалар коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшишяпти. Ҳозир уларнинг шахсий меҳнат календарларида 1978 йилнинг октябрь ойи ниҳоясига етяпти.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор бичувчиси Ойшахон Саидовани тўқув участкаси коллективи катта ҳурмат қилади. Мана бир неча йилдирки, у мана шу даргоҳда баракали меҳнат қилиб келяпти. Илғор бичувчи беш йиллик топшириқни уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган. Ҳозир унинг шахсий меҳнат календарида 1980 йил бошланди.

СУРАТДА: О. Саидова.

М. Нуриддинов фотолари.

«Н И В А» МАШИНАСИ КЕЛТИРИЛДИ

Волгадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган «ВАЗ —21—21» маркали янги енгил машиналарнинг дастлабки партияси Тошкентдаги ихтисослаштирилган автомобиль марказига келтирилди. Шу йилнинг охирига қадар «Нива» деб аталган бундай янги машиналардан 170 дан ортиғи сотилади.

Шу кунларда автомобиль коллективи янги машинага техника хизмати кўрсатиш ва унинг ремонти бўйича бажариладиган ишларни ўзлаштирмоқда. Тольятти шаҳрида таълим олган марказнинг инженер-техник ходимлари ана шу ишларга раҳбарлик қилишмоқда.

ХАТАРЛИ ЙЎЛ

Кейинги вақтларда Қўшма Штатларнинг ташқи сиёсатида тинчлик иши учун хатарли ўзгаришлар рўй берди. Капиталистик дунёнинг мана шу етакчи мамлакатидаги ҳукмрон доираларда кескинликни юмшатишга путур етказишни ва жаҳонни машъум «совуқ уруш» даврига, тўхтовсиз ҳарбий рақобат даврига қайтаришни истаган кучлар устун кела бошлади.

Кўпгина фактлар шундан далолат бериб турибди. Масалан, Вашингтоннинг қуролланиш пойгасини қамчилаётганлиги, агрессив НАТО блокининг бунинг учун қўшимча 80 миллиард доллар маблағ сарфлаш ниятида эканлиги ва стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида Америка-Совет музокараларини «тўхтатиб қўйишга» ва СССР билан муносабатларни ёмонлаштириш йўлига киришга уринишлар шуни кўрсатиб турибди. АҚШнинг Африкада очиқдан-очиқ интервенциячилик, янгича мустамлакачилик сиёсатига ўтганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Вашингтоннинг НАТО мамлакатларини Заир ички ишларига қуролли аралашувини ташкил этганлиги сўнгги мисоллардан биридир. Ниҳоят, Пекиннинг антисовет йўли рағбатлантирилаётганлиги, Хитой ўтказиб келаётган хатарли сиёсатдан фойдаланиб қолишга интилинаётганлиги ҳам АҚШ ташқи сиёсатидаги мана шу хатарли майилларни кўрсатиб турибди.

Ташқи сиёсатдаги мана шу хатарли йўлни ниқоблаш учун «совет ҳарбий хавфи бор», совет «экспансияси» деган, Совет Иттифоқи «ҳарбий устунликка эришишга интилмоқда» деган сийқаси чиққан уйдирмалардан фойдаланилмоқда.

АҚШ сиёсатида юз берган ўзгаришларнинг ҳақиқий сабаблари нимадан иборат?— мана шу жуда хатарли йўлнинг келиб чиқишига сабаб нима?

Даставвал шуни айтиб ўтайликки, бунинг сабаблари Америка жамоатчилигининг, АҚШ халқининг кайфиятларига сира ҳам алоқадор эмас. Кейинги вақтларда жамоатчиликнинг фикри бир неча марта сўраб чиқилди. Шунга қараганда, американикларнинг жуда катта кўпчилиги СССР билан муносабатларни яхшилашни, стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги музокараларни муваффақиятли тугаллашни, Совет-Америка иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантиришни талаб қилиб чиқмоқда.

АҚШ ташқи сиёсатида хатарли йўлнинг келиб чиқиш сабаблари бошқа,

●

Халқаро
МАВЗУДА СУҲБАТ

●

у ҳам бўлса халқаро кескинликнинг юмшатилишидан манфаатдор бўлмаган кишиларнинг Вашингтон сиёсатига кўрсатаётган таъсиридадир. Бундай кишилар океан орқасида озмунча эмас. Таъсир кўрсатишнинг қудратли воситалари шу кишиларнинг қўлида. Улар қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи саноат корпорацияларининг эгалари, Пентагон генераллари, олий лавозимдаги сиёсатдонлар, хуллас ҳарбий-саноат комплекси деб аталган доирадаги кишилардир.

Бу кучларнинг активлашаётганлиги сира ҳам уларнинг мавқеи мустаҳкамланаётганлигини билдирмайди. Аниқроғи, уларнинг кескинликнинг юмшатилишидан тобора даҳшатга тушаётганлигини исбот қилади. Бу кучлар илгари кескинликнинг юмшатилишини назар-писанд қилмаган бўлсалар, энди бу ҳол кейинги йилларда халқаро муносабатларда етакчи тенденция бўлиб қолганлигини кўриб, жуда ташвишга тушиб қолдилар. Қурол-яроғ фабрикаларининг хўжайинлари, йирик ҳарбий амалдорлар, реакцион сиёсатдонлар, хуллас ўз даромадини ва ўз шуҳратини «совуқ уруш» сиёсати билан боғлиқ қилиб қўйган ҳамма кишилар ўзларининг маҳрум бўлган мавқелари учун, кўрган талофатлари учун қасос олишга уриниб, қарши ҳужумга ўтдилар. Худди мана шу доиралар Вашингтонни ўзининг кескинликни юмшатиш сиёсатини қайтадан кўриб чиқишга, машъум «зўравонлик позицияси» сиёсатига қайтишга мажбур этишга уриниб, Вашингтонга тазйиқ қилмоқдалар. Бу кучларнинг баъзи бир муваффақиятларга эришганликларини ҳам айтиб ўтиш керак.

Мамлакатнинг ички аҳволи, пулнинг қадрсизланиши, ишсизлик проблемаларининг кескинлашганлиги, миллионлаб қора ва оқ танли гражданларнинг қашшоқлиги АҚШ ҳукуматининг ҳозирги ташқи сиёсат йўлига муайян даражада таъсир қилди. Ҳозирги АҚШ раҳбарларининг мана шу мураккаб ички проблемаларни ҳал этишдан ожизлиги уларда ташқи сиёсат соҳасида «муваффақиятларни» намойиш қилиш иштиёқини туғдирди. Бунинг устига кузда Америка конгрессига навбатдаги сайловлар бўлишини ҳам назарда тутиш керак. Улар «қаттиққўллик», «қаттиқ йўл тутиш» ёрдамида шундай муваффақиятларга эришамиз, деб умид қилмоқдалар.

Аммо бундай ниятлар учун ҳеч қандай асос йўқ. «Зўравонлик сиёсати», шантаж ва дўқ-пўписа шу яқин орадагина барбод бўлган эди. Халқаро миқёсда кучлар нисбати тинчлик, социализм ва тараққиёт фойдасига ўзгарган ҳозирги шароитда бундай йўлнинг муваффақият қозониши тобора гумон бўлиб қолмоқда.

Бунинг устига Американинг ўзида ҳам ва у билан иттифоқ тузган мамлакатларда ҳам реал фикр юритувчи кишилар бундай сиёсатнинг ялпи тинчлик учун ғоят хатарли эканлигини тобора равшан англаб олмоқдалар. Бундай сиёсатнинг барча халқлар учун, шу жумладан АҚШ халқининг ўзи учун оғир юк бўлишини англамоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизга келганда, у кескинликни юмшатишни тўхтатиб қўйишга, миллионлаб кишиларнинг тинч келажакка бўлган орзу-умидларини чиппакка чиқаришга қўшилиш ниятида эмас. Бизнинг халқимиз тинчлик йўлини танлаб олди ва ҳеч ким уни бу йўлдан четга бура олмайди. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар халқаро кескинликни юмшатиш учун, Қўшма Штатлар билан ҳар икки томон учун фойдали муносабатларни ривожлантириш учун изчиллик ва қатъият билан курашни давом эттиришга аҳд қилган. Лекин кескинликнинг юмшатилиши бир томонлама жараён эмас. Кескинликнинг юмшатилиши ҳар икки томоннинг яхши хоҳиш-иродаси бўлишини тақозо қилади. Мана шуни Вашингтондагилар тезроқ тушуниб олишларини истар эдик.

В. СЕРОВ.
(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНФОРМАЦИЯ АГЕНТЛИГИ (ЎзТАГ)НИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашдаги, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари учун ва ташкил этилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон информация агентлиги (ЎзТАГ) Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил, 26 июнь. Тошкент шаҳри.

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-29»:

ОРБИТАДАГИ ЭКСПЕРИМЕНТЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 26 июнь. (ТАСС). Владимир Коваленок билан Александр Иванченковнинг «Салют-6» — «Союз-29» илмий-тадқиқот комплексининг ичида орбита бўйлаб учиши давом этмоқда.

Бундан аввалги икки кун экипажга санитария-гигиена тадбирларини ўтказиш ва актив ҳордиқ чиқариш учун берилганди. Космонавтлар станция бўлмаларини йиғиштирдилар, жисмоний машқлар билан шуғулландилар, техника ҳужжатлари билан ишладилар, ҳордиқ чиқардилар. Радио алоқа сеансларида Владимир Коваленок билан Александр Иванченков ўз оилалари билан гаплашдилар, космонавтлар учун радиоэшиттириш, музика трансляция қилиниб турди.

Космик комплекс ичида уч кун давом қилган «қотишма» технологик эксперименти поёнига етказилди. Шу пайтда динамик туғёнларнинг экспериментнинг боришига таъсирини камайтириш мақсадида орбитал комплекс гравитацион стабиллаш режимида учди.

Бугун — космонавтлар эрталабки ювиниш ва нонуштадан сўнг бортдаги субмиллиметрли телескоп билан ишлашга киришдилар. Телескопнинг ҳамда нурланиш приёмникларидаги криоген совутиш системасининг ишлаши текшириб кўрилмоқда.

Телеметрик информация маълумотлари ва экипажнинг докладларига кўра «Салют-6» — «Союз-29» орбитал комплексининг учиши нормал ўтмоқда. Коваленок ва Иванченков ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 26 июнь куни Минскдан Москвага қайтиб келди.

★ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети районлар ва хўжаликларнинг экинзорларига Сифат белгиси бериш учун уни юқори сифатли парвариш қилиш юзасидан мусобақа ташкил этиш борасидаги иш тажрибаларини маъқуллади. Область ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига социалистик мусобақанинг ана шу шаклини ҳамма ерда муҳокама қилиш ва кенг ёйишни таклиф этди.

★ Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистон информация агентлиги коллективини республика информация органи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан қизғин ва самимий табриклайдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналарининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йиллик учинчи йили олти ойлик планини 26 июнда, муддатидан аввал бажардилар.

Министрлик ой охиригача пландан ташқари 30 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилади.

* * *

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йиллик учинчи йили планини барвақт бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, кўпчилик маҳсулот турларини натура шаклида реализация қилиш ва ишлаб чиқариш юзасидан ярим йиллик планни муддатидан илгари, 26 июнда бажардилар.

Биринчи ярим йиллик пландан ташқари 15,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ЮБИЛЕЙИГА

26 июнь куни Ўрта аср Шарқининг энциклопедист олими Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев олиб борди.

Мажлис қатнашчилари республика министрликлари ва идоралари, шунингдек Бухоро область ижроия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг юбилей тадбирларига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ахборотларини тингладилар, мана шу тайёргарлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ташкилот комитетининг шу йилги иш плани тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

ЙЎЛСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли ихтисослаштирилган йўл эксплуатацияси тресги ишчилари шу кунларда ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Жамшид Расулов бригадирлик қилаётган 1-ремонт қурилиш бошқармаси азаматлари Собир Раҳимов районидаги 23-мактабнинг ҳовлисига асфальт ётқизиш ишларини бажаришмоқда. Бундан ташқари улар Красновосточная кўчасидаги йўлкаларнинг 1,5 минг квадрат метрига асфальт ётқизишмоқда.

Куйбишев районидаги Романский кўчасида эса С. Мадалимов бошлиқ 2-ремонт-қурилиш бошқармаси 4,5 минг квадрат метрга асфальт ётқизиш ишларини тугаллашмоқда. Шунингдек, бу қурилиш бошқармасининг бошқа бригадаси Киров районидаги Урта Сарой кўчасида ободончилик ишларини олиб боришмоқда.

Ҳозир Ленин майдонидаги метро станциясининг 2-вестибюли қурилишидаги ишларда ихтисослаштирилган йўл эксплуатацияси тресги азаматлари ҳам самарали ишлашмоқда. Бу ерда 2-ремонт қурилиш бошқармасининг С. Маликхўжаев бошлиқ бригадаси йўл ва йўлкаларга тупроқ ётқизишиб, ободончилик ишларини олиб бориш билан бирга, асфальт қилишмоқда.

«Ташэлектроаппарат» заводининг маҳсулоти биргина республикамизда эмас, балки Иттифоқимизда ҳам маълум ва машҳурдир. Корхонада ҳар куни ўнлаб ТД—502 маркали енгил пайвандлаш трансформаторлари тайёрлаб беріляпти. Ушбу суратда заводнинг моҳир слесарлари Қосим Мирзааҳмедов ва Николай Сивагатуллинларни кўриб турибсиз. Улар смена-ойлик топшириқларини 120—130 процент адо этиб ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

КЎРИК ЯКУНЛАНДИ

БУГУН

Тошкент область касаба союзлари Совети ва область бадиий ҳаваскорлик уйи ўтказган анъанавий «Тошкент театр баҳори» кўриги ниҳоясига етди.

Бу маданий тадбирни ўтказишдан мақсад пойтахт ва унинг областида драматик коллективлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ҳисоботини кўриш, ҳаваскорларнинг репертуарини замонавий асарлар билан бойитиш бўлди.

Бу кўрикда шаҳримиздан олтита халқ театри, 7 та драматик коллектив қатнашди.

Тошкентдаги 1-тажриба-механика заводининг халқ театри В. Константинов ва В. Рацернинг «Сакраб ўтиш». Тошкент политехника институтининг студентлар миниатюра театри В. Славкиннинг «Қаҳратон» спектаклларини кўрсатишди. Айниқса тўқимачилар маданият саройи поэзия театри комсомолнинг 60 йиллигига бағишлаб намойиш этган «Катта йўлнинг даврлари» деган спектакли томошабинлар диққатини жалб этди. Бундан ташқари шу коллективнинг «Ассалому алайкум» деган спектакли ўзбек классик ва совет шоирларининг асарларидан тузилганлиги билан томошабинларга манзур бўлди.

«Тошкент театр баҳори» кўригининг жюриси ўзининг натижаларини чиқарди. Энг яхши ҳаваскорлик коллективларига муносиб мукофотлар берилди. Ғолиблар шу йилнинг кузида Тошкентда бўладиган республика кўригида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР»НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Кеча Марказий «Пахтакор» стадионида навбатдаги тур учрашуви бўлиб ўтди. Бунда ҳамшаҳарларимиз Москванинг «Спартак» командасини қабул қилдилар.

Ўйиннинг биринчи таймида командалар дарвозаларга биттадан тўп киритишга муваффақ бўлишган бўлса, иккинчи тайм эса спартакчиларнинг тўла устунлигида ўтди. Натижада улар яна икки марта «Пахтакор» дарвозасини аниқ нишонга олдилар. Ўйин 3:1 ҳисобида меҳмонлар ғалабаси билан тугади.

МЕҲНАТ ЧОРАГИ БОШЛАНДИ

Киров районидаги ўрта мактаблар юқори синф ўқувчиларининг 5-меҳнат чораги бошланди.

Шу муносабат билан райондаги Киров ҳайкали олдида мактаб ўқувчиларининг тантанали митинги ўтказилди.

Районнинг 1350 ўқувчиси Тошкент областидаги Абдураҳмонов, Навоий ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли хўжаликларда меҳнат қилишади. 1 мингдан ортиқ ўқувчи эса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, асбобсозлик заводи, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бир қатор маиший хизмат корхоналарида коллективларнинг оғирини енгил қиладилар.

телетайп лентасидан

★ **ВАРШАВА.** Польшада деярли ҳар ўн кунда озиқ-овқат саноатининг янги объекти ишга туширилмоқда. Кейинги етти йил ичида 260 та ана шундай объект, яъни илгари қанча бўлса худди шунча объект қурилди.

Яқинда Швеция ва Карчевда иккита катта паррандачилик фабрикаси фойдаланишга топширилди. Улар шу йилнинг ўзидаек минглаб тонна маҳсулот беради. Паррандачиликнинг саноат негизига кўчирилиши парранда гўштини қисқа муддатларда савдо шахобчаларига етказиб бериш имкониятини яратади. Шу беш йилликда парранда гўшти етиштиришнинг йиллик ҳажми 700 минг тоннага етказилади.

★ НЬЮ-ЙОРК. Американинг «Бетлихем стил» компанияси пўлат нархини 3 процент оширди.

Бу билан шу йил компаниянинг маҳсулот нархи учинчи марта оширилди.

★ **БУЭНОС-АЙРЕС.** Сальвадор Альенде ҳукумати вақтида давлат назорати остида бўлган Чилидаги қарийб 500 компаниядан сўнгги 26 таси яқин орада хусусий шахсларнинг, асосан чет элликларнинг қўлига ўтади. Ҳарбий-фашист хунтанинг маълум қилишича, тўққиз банк, «Судамерикана де Вапорес» немачилик компанияси, «Индустриа насьональ де Сементо» цемент компанияси ва бошқа компаниялар сотиб юборилади.

★ ОТТАВА. 16 ёшдан 24 ёшгача бўлган Канада йигит-қизлари ўртасида ишсизлик даражаси 19,4 процентга етди. Жами 1 миллион 390 минг ишсизнинг қарийб ярми ёшлардир.

Мамлакатда ишсизлик юқори даражага кўтарилганлиги ёзги каникулларда ишлаб пул топувчи студентларнинг иш қидириб топишларини анча қийинлаштириб қўйди. Канада студентлари миллий федерациясининг баёнотида 656 минг студентдан 140 минг нафари шу йил ёз фаслида мутлақо иш топа олмаганлиги қайд этилади.

★ **ДАМАШҚ.** Латакия вилоятининг қишлоқларида яшовчи сурияликлар 700 оиланинг хонадонида биринчи марта электр чироғи порлади. Сурияда туташ энергетика системасини вужудга келтиришни кўзда тутувчи лойиҳаларни амалга оширишда ривожланаётган республикага Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар ҳар томонлама кўмак бермоқдалар. (ТАСС).

✦ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ҲАР КИМГА ИШ ЕТАРЛИ

Ленин район халқ назоратчилари кенг кўламда текширув олиб бормоқдалар. Халқ назоратчилари районимиз мураккаб хўжалигининг бир меъёрда ишлашини таъминлаш билан боғлиқ бўлган барча масалалар билан шуғулланишади, десак муболаға бўлмайди. Ўтказилган текширувларни таҳлил этар эканмиз, шундай хулосага келиш мумкин, район халқ назоратчилари саноат ва қурилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, материаллар ва моддий маблағларни хўжасизларча исроф қилувчи ва талон-торожга йўл қўювчилар билан кураш олиб бориш ишига катта эътибор бермоқдалар.

Ўтган йили ва шу йилнинг ўтган даврида 50 дан ортиқ текширув ана шу масалага бағишланди. Текширувлар натижасидан 21 таси комитет йиғилишида муҳокама қилинди. Текширувда 200 дан ортиқ киши қатнашди. Назоратчиларнинг олиб бораётган фаол ишлари беш йилликнинг икки йиллик топшириғини корхоналар ва қурилиш ташкилотлари муваффақиятли бажаришларида ўз самарасини кўрсатди. Масалан, меҳнат унумдорлиги топшириқдаги 11,9 ўрнига 12,9 процент адо этилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш плани 14,4 ўрнига 14,8 қилиб бажарилди. Бундай муваффақиятларга қай йўл билан эришилди? Келинг, яхшиси фактларга мурожаат қилайлик.

Ўтган йили августда Ленин номли якка буюртмалар тикиш ишлаб чиқариш бирлашмасида ташвишли вазият вужудга келди. Корхона давлатдан 200 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот қарз бўлиб қолди. Текширув натижасида корхона раҳбарлари буюртмаларни квитанциясиз бажаришга йўл қўйганликлари аниқланди. Шунингдек, у ёки бу газмолларни нормадан ортиқ чиқитга чиқариш фактига дуч келинди. Қимматли материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиб бориш ёмон аҳволга тушиб қолди. Бу текширувлар район халқ контроли комитетида жиддий муҳокама этилди. Шунда биз мавжуд аҳволдан қутулишнинг аниқ тадбирларини белгиладик. Бу тадбирлар амалга оширилгач, бирлашма 1977 йил планини муваффақиятли адо этди. Ҳозир ҳам ишлар яхши кетяпти.

Тошкент фармацевтика заводида янги техникани ва илғор технологияни жорий этиш аҳволининг назоратчилар томонидан текширилганлиги ишда фойда келтирди. Текширувда назоратчиларгина эмас, ишлаб чиқариш илғорлари, етакчи мутахассислар ҳам қатнашдилар. Улар цехлардаги аҳволни синчиклаб текширдилар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан йўл-йўлакай тавсиялар беришди. Масалан, айнан текширув бригадаси аъзоларининг таклифи билан ампула цехи ва рутин участкаси реконструкция қилинди. Янги ускуналар ўрнатилди. Қўл меҳнатининг енгиллаштирилиши олти ишчидан бошқа ишларда фойдаланиш имконини берди.

Район халқ контроли комитети ёнилғи-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини узлуксиз назорат қилиб туради. Масалан, ўтган йилнинг октябрь ойида райондаги энергия манбаларини кўпроқ ишлатадиган 14 корхонада текширув ўтказилди. Шунда электр энергияси ёнилғидан хўжасизларча фойдаланилаётганлиги фактлари очиб ташланди ва бартараф этилди. Белгиланган тадбирлар ўтган йили район корхоналарида 11,2 миллион киловатт-соат электр энергияси, 300 минг гигокалорий иссиқлик, 320 тоннадан ортиқ ёнилғи мойлаш материалларини тежаш имконини берди.

Биз қурилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берамиз. Район халқ контроли комитети ишга тушириладиган объектларга куч, маблағ ва имкониятларни сафарбар этиш мақсадида халқ контроли группаси раисларининг Советини ташкил этди. Бундай Советлар В. И. Ленин номли электронтехника заводи маъмурий «лаборатория корпуси қурилишида, Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг электр машиналарини синаш станциясида, «Теплоэлектропроект» бирлашмасида тузилди. Халқ назоратчилари Совети партия ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарларига буюртмачилар, бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ўртасида ишни мувофиқлаштиришда амалий ёрдам бермоқда.

К. ЖЎРАЕВ,
Ленин район халқ контроли комитетининг раиси.

«Сифат ва самарадорлик беш йиллигига — ишчи кафолати!» шиори Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари ўртасида кенг ёйилган. Меҳнат унумдорлигини ҳамда маҳсулот сифатини оширишда бирмунча имкон берган ана шу ташаббусни жорий этишда корхона халқ назоратчиларининг муносиб ҳиссалари бор.

СУРАТДА: халқ назоратчилардан В. Шименова, Э. Цой, Р. Алимуҳамедов ва Т. Поповалар йигирув цехида тайёрланган маҳсулотлар сифатини текширишаётган пайт.

Ш. Иброҳимов фотоси.

• ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЖОНКУЯР

Тошкент трактор заводи 27-цех халқ контроли группасининг раиси В. С. Омец корхона халқ контроли бош группасининг раиси Е. С. Соколенконинг телефон номерини терди.

— Салом, Екатерина Серапионовна! Бизда цех раҳбарлари билан келишмовчилик чиқиб қолди.

Ишчи партком томон йўл олди.

Келишмовчиликнинг моҳияти қуйидагича эди. 27-цехда яроқсиз шаблон асосида прессформа тайёрланган эди. Бунга цех раҳбарлари слесарларни айбдор қилиб кўрсатишди. Халқ контроли группаси текшириш ўтказиб, бу ишда слесарларнинг айби йўқ эканлигини аниқлашди. Улар яроқсиз буюм тайёрланишига янги шаблон тайёрлаган технологлар айбдор эканликларини исботладилар. Технологлар киритилган ўзгаришни янги маҳсулот тайёрлашда қўллашни унутиб қолдиришган. Айни пайтда техника назорати хизматининг ходимлари ҳам бу нуқсонни ўз вақтида аниқлай олмаганлар. Натижада прессформалар эски усулда тайёрланаверган. Слесарлар эски шаблон асосида ишлайверишган.

Аммо цех раҳбарлари халқ контроли группаси томонидан чиқарилган хулосага қарши чиқдилар. Назоратчиларга ёрдам керак бўлиб қолди.

Партия ташкилотининг топшириғига биноан завод халқ контроли группаси масалани жиддий ўрганиб чиқди ва слесарларнинг ҳеч қандай айби йўқ эканлигини айтди. Прессформа тайёрлаш участкасининг мастер ва технологига ҳайфсан эълон қилинди ва улар мукофот пули олишдан четлаштирилдилар. Айни пайтда техника назорати бўлими группасига ҳам ишни жонлантириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Муаммони ҳал қилишда назоратчи В. Омецнинг масалага принципиал ёндошиш хислати яққол кўриниб турибди. Бу жонкуяр назоратчи ўз ишини меҳр билан бажаради.

Валерий Сергеевич 1971 йилда у трактор заводига ўтди ва тракторсозларнинг аҳил коллективига дарҳол кўникиб кетди.

Ишлаб чиқариш илғори, актив жамоатчи сифатида коммунист В. Омец цех партия бюроси секретарининг ўринбосари қилиб сайланди. У Куйбишев район партия комитети аъзолигига кандидат. Шу нарса диққатга сазоворки, у кунлик топшириқни муттасил 150 процент бажаришга эришади. 1976 йилдан бошлаб Валерий Сергеевич цех халқ назорати группасига раҳбарлик қила бошлади. Ана шундан бошлаб цех кўнгиллиларнинг иши таъсирчанлиги ҳам ошди.

Ўтган йилнинг охирида завод партия комитетига металл ва электр энергиясини тежаш масаласини кўриш ва муҳокама қилиш тавсия қилинди. В. Омец аввал халқ назоратчиларини йиғиб парткомда кўрилган масалаларни тушунтириб берди.

Электр энергиясини тежашга амал қилмаётган кишилар бир неча марта ўз дўстлари олдида, ҳамкасблари олдида қизаришди. Ҳозир ҳам назоратчилар беҳуда сарфланаётган электр энергияси, тушки овқат пайтида ишлаб турган дастгоҳларни ҳисобга олишни давом эттиришмоқда. Аммо ҳозир бундай ҳодисалар жуда кам бўляпти.

Аввал корхона ва цехга қора металлургия корхонаси томонидан сифатсиз чиқиндилар етказиб берилаётганлиги учун кўплаб эътирозлар билдирилиб туриларди. Ҳатто, бунинг учун жарима тўлашга ҳам тўғри келганди. В. Омец ташаббуси асосида цех халқ контроли группаси бу масалани ижобий ҳал қилиш планини ишлаб чиқди. Цех бошлигининг ўринбосари В. И. Лисенко зиммасига қора ва рангли металлардан қолган чиқиндиларнинг сифатини қатъий назорат қилиш вазифаси топширилди. Ҳар бир контейнерга маълум бир металлнинг номи ёзиб қўйилди. Чиқиндилар ана шу ёзувлар асосида тўплана бошланди. Ишчилар ҳам ана шундан кейин ўз ишларига масъулият билан ёндошадиган бўлиб қолдилар.

Яқинда цех партия ташкилотининг ташаббуси асосида халқ назорати группаси тайёрлов участкаси ишини текшириб чиқди. Текшириш пайтида хом ашё материалларини тайёрлашда технологияга амал қилинмаётганлиги аниқланди.

Халқ назоратчилари участкадаги ишни икки ой мобайнида назорат қилиб бордилар. Бу масала цех партия ташкилотининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, камчиликни бартараф қилиш йўллари белгиланди. Натижада ишда кескин ўзгариш бўлди.

А. ДОРОНИН,
халқ назоратчиси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ХАЛҚ КОНТРОЛИ

• Группа ва постларда

ҲАМКОРЛИКДА

Тошкент тўқимачилик комбинати, темир йўл транспорти бирлашган хўжалигининг халқ назоратчилари олиб бораётган ишлар кейинги пайтларда амалий ва самарали бўлмоқда. Назоратчилар айниқса транспорт ишларида технология жараёнларига қатъий риоя қилиш, юк ортиш-тушириш жараёнларида интизом ва уюшқоқликни ошириш, қўшимча механизация воситаларини шунингдек юкларни контейнерларга жойлаш ишларини механизациялаш масалаларига алоҳида эътибор беришмоқда. Комбинат йил сайин ўз кўрсаткичларини ошириб бормоқда. Ҳозир бу хўжалик шаҳардаги 22 корхонага хизмат кўрсатаётган бўлса, шулардан биронтаси ҳам темирйўлчиларга эътироз билдирганича йўқ. Шу йилнинг биринчи кварталида бирлашган хўжаликда вагонларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари ўтган йилдагига нисбатан 2,2 соат қисқарди.

Бирлашган хўжалик назоратчилари вагонларнинг бекор туриб қолишини қисқартиришга эриша бориб, транспорт интизомини бузувчиларга нисбатан тегишли тадбир-чораларни қўлламоқдалар. Масалан, «Узторгодежда» базаси ўзига тегишли вагонлардаги юкларни нормадаги икки соат ўрнига 12 соатда тушириб олганлиги учун 2 минг сўмликдан кўпроқ жарима тўлади. «Узтекстильторг» базасида вагонларнинг бекор туриб қолиши ўн соатдан ҳам ортиқ вақтни ташкил этганлиги учун 1700 сўм жарима тўлади.

Назоратчилар у ёки бу масалани ҳал этишда қийналсалар, ёрдам сўраб Фрунзе район халқ контроли комитетига мурожаат қиладилар. Район халқ контроли комитети уларга ёрдам беради.

Ф. ИЗЮМНИКОВ,
Фрунзе район халқ контроли комитети транспорт ва алоқа штатсиз бўлим мудири.

* Назоратчилар кўмагида
* Давлат ҳисобига „хотамтойлик“
* Цехларда нега сокинлик?

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ контроли группа ва постларига ишлаб чиқаришнинг уч юздан ортиқ илғорлари ва мутахассислари сайланишган. Назоратчилар ўз ишларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш масаласига доимо эътибор бериб келмоқдалар.

СУРАТДА: халқ контроли бош группасининг аъзоси Василий Андрилко (ўртада) бўёқчи Александр Стешенко билан йиғувчи-слесарь Носир Маҳмудовнинг иш сифатини кўздан кечирмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

КЎЗБЎЯМАЧИЛАР

ФЕЛЬЕТОН

Айтайлик, Сиз қора девор олдида турибсиз. Барча ҳужжат ва накладнойларда у оқ деб кўрсатилган. Бундай пайтда нима қиласиз? «Ўз кўзингизга ишонманг», — дейди «Узбексвязьстрой», трести ремонт қурилиш бошқармасининг бош инженери Э. Эшонхўжаев. «Майда камчиликларга аҳамият бермасдан бошқа деворларни текширишга киришиш керак» —дея фикр билдиради 159-трестнинг 10-қурилиш бошқармасининг бош бухгалтери Р. Михлина. «Бошқа объектлардаги муҳим камчиликларни аниқлаш билан шуғулланиш керак» — бу «Ташлимводторг» директори А. Қодировнинг маслаҳати. Бу маслаҳатларнинг ҳаммаси шубҳали эмасми? Уларни бу ерда ўқувчиларнинг эътиборини айрим хўжалик раҳбарларининг оқни қора қилиб кўрсатиш учун ўйлаб топган кўзбўямачиликларини очиб бериш мақсадида келтирдик. Айрим раҳбарлар ўзларининг қора ишларини оқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Уларнинг кўзлаган асосий мақсадлари ўз шахсий манфаатларини қондиришдир. Бу мақсад ҳар бир кишида ҳар хил бўлади.

Масалан, ўртоқ Эшонхўжаев ҳасад касалига мубтало бўлган. Шунинг учун ҳам Эшонхўжаев ўз ҳамкасбларидан қандай қилиб ўтиб кетиш йўлларини қидира бошлади ва ниҳоят буни ўйлаб топди. Шу йилнинг 19 январида «Средазнефтегазстрой»нинг автотранспорт колоннасига буюртма тушди. Бу колонна азали «Узбексвязьстрой» трести ремонт-қурилиш бошқармасини юк машиналари билан таъминлаб келарди. Навбатдаги буюртмада эса «Икарус» автобуси бериш кўрсатилганди. «Наҳотки, автобусда шағал ташишса?» — дея ҳайрон бўлишди зарур ҳужжатларни расмийлаштираётган диспетчерлар. Улар ўшанда «Икарус» шағал ёки бетон ташиш билан эмас, ремонт-қурилиш бошқармасининг бош инженерини олиб юришини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Орадан бир кун ўтганидан кейин Эшонхўжаевнинг шахсий автобуси пайдо бўлганлиги ҳақидаги хабар Тошкент аҳолисининг ярмига маълум бўлди. Ҳақиқатан ҳам салонида ёлғиз бир киши гердайиб ўтирган катта автобусни шаҳримизнинг турли кўчаларида учратиш мумкин эди.

Шуни айтиш керакки, Эшонхўжаев «Икарус» автобусидан ўз шахсий манфаатларини қондириш учун тўла фойдаланарди. Эрталаб соат 7 да автобус унинг уйига келар ва кечки соат 9 дагина гаражга қайтарди. Ҳар куни «Икарус»нинг спидометрида 300 километр йўл босилганлиги қайд қилиб бориларди. Эшонхўжаев бу автобусда ҳар бир летучка ва планёркага борарди. Ҳатто, шанба ва якшанба кунлари ҳам бош инженер «Икарус»дан фойдаланарди. Автобусдан фойдаланилган ҳар бир кун учун 117 сўм тўлаш ҳам унинг учун оддий нарса бўлиб туюларди. Чунки у бу пулни ўз чўнтагидан эмас, давлат кассасидан тўлар эди. Энди бир нарсага эътибор берайлик. Автобусдан фойдаланилган 33 кун учун ремонт-қурилиш бошқармаси автохўжаликка 3.800 сўм ўтказди. Агар халқ контроли назоратчилари бу фактни ўз вақтида аниқламаганларида яна қанча давлат маблағи совурилишини билиб бўлмайди. Жавоб бериш вақти келганида эса Эшонхўжаев сувдан қуруқ чиқиш мақсадида қорани оқ деб кўрсата бошлади. У жумладан, «Икарус» уни эмас, балки Оқтошда жойлашган «Связист» пионер лагерига ишчиларни ташиш билан банд бўлган, деб кўрсатди. Айни пайтда у назоратчиларга қалбаки ҳужжатлар тавсия қилди. Аммо халқ назоратчилари январь-февраль ойларида пионер лагерида ҳеч қандай иш бажарилмаганлигини ҳужжатлар асосида исботлашди. Ёлғончилик ва кўзбўямачилик аниқланди.

159-трест 10-қурилиш бошқармаси раҳбарлари эса бошқача кўзбўямачилик касалига дучор бўлишган. Бу ерда ким қайси машинада юрганига бутунлай аҳамият берилмасди. Аммо мукофот пуллари ҳаяжон билан тақсимланарди. Моддий рағбатлантириш ҳажмининг кўпроқ бўлишига эришиш учун қурилиш бошқармасининг раҳбарлари ҳар хил «усулдан» фойдаланишарди. Кўп ҳолларда улар тақиқланган усулга амал қилишарди. Жумладан, қурилиш бошқармасининг бош бухгалтери Р. Михлина ва план бўлимининг бошлиги Мироновалар кўзбўямачиликнинг янги системасини ўйлаб топишди. Ойлик ишга якун чиқарилаётганда ҳисобот ҳужжатларидаги ўз кучлари билан бажарилган ишларни ошириб кўрсатиш одат бўлиб қолди. Бу ишларга ёрдамчи пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ҳам қўшиб кўрсатиларди. Масалан, ўтган йилнинг март ойида ўнинчи қурилиш бошқармасининг бухгалтерияси бунёд этилаётган 40 квартирали уйда қисқа муддат ичида қурилиш бошқармасининг ўз кучи билан 138 минг сўмлик иш бажарилганлигини кўрсатди. Аммо халқ назоратчилари текшириш ўтказганларида ҳақиқий бажарилган иш ҳажми 119 минг сўмликка ошириб кўрсатганликларини аниқлашди. Яъни, деярли ҳамма иш ёрдамчи пудратчилар томонидан бажарилган бўлиб, у ўнинчи қурилиш бошқармасининг ҳисобига ўтказилган эди. Халқ назоратчилари бошқарманинг ўтган йилги ҳисоботини текшириб чиқиб, бажарилган иш ҳажми 792 минг сўмликка ошириб кўрсатилганлигини аниқладилар.

Халқ назоратчилари «Ташлимводторг» ҳисоботларида ҳам «қорани оқ» деб кўрсатиш ҳоллари жуда кўп бўлганлигини аниқлашди. Кўнгиллилар томонидан бу савдо ташкилотининг 62 киоскаси текшириб чиқилди. 51-киоскадаги ҳодиса уларни ҳайрон қилиб қўйди. Улар бу ерда харидорларни алдаш одат бўлиб қолганлигини аниқлашди. Масалан, Ленин район савдо базасининг 1-павильонидаги сотувчи Давидянц хўрандаларга ярим кружкадан пиво сотарди. У одамларнинг кинояларига «яхшилаб қаранглар, пиво кружканинг қирғоғидан тошиб кетмоқда» деб ҳазил жавоб берарди. Хўрандалар ўз кўзларига ёки Давидянцга ишониш керакми деган масалани ҳал қилгунларига қадар «эпчил» сотувчи уларни ҳисобда ҳам алдашга улгурарди.

«Ташлимводторг»нинг Ленин, Куйбишев, Собир Раҳимов савдо базаларида меҳнат қилаётган сотувчи Абдурасулова, Ҳакимова, Муҳиддинов, Мақсудов, Ўрозбоев ва бошқалар ҳам худди ана шундай алдаш ва хиёнат қилиш йўли билан катта бойлик орттириш йўлига тушганлар. Шуни таъкидлаш керакки, «Ташлимводторг» директори А. Қодиров, Ленин, Куйбишев ва Собир Раҳимов савдо базаларининг раҳбарлари томонидан назорат бўлганида улар «ўз фаолиятларини» авж олдириб юбормаган бўлар эдилар.

Биз шахсий бойлик орттириш йўлига тушган бу кишиларни бекорга бир қаторга қўйганимиз йўқ. Уларнинг ҳаммаси қонунчиликни бузганлар. Айни пайтда улар учун умумий бўлган бир хусусият бор. У ҳам бўлса, «Қорани оқ» деб кўрсатиш ва бойлик орттиришдир. Бу — яхши ният эмас. Шунинг учун ҳам бу йўлга тушган кишиларни халқ назорати органларига дуч келганликлари яхши бўлди. Бу сабоқ улар учун бир умр эсдан чиқмаса керак.

Ф. ОВЕЧКИН.

МЕТАЛЛ—УМУМХАЛҚ БОЙЛИГИ

ИСРОФГАРЧИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Экскаватор заводида қора ва рангли металл чиқиндиларини сақлаш ҳамда давлатга топшириш юзасидан яқинда олиб борилган текширув амалий бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, рейдга олдиндан пухта тайёрланди, бу ўзининг ижобий самарасини берди. Назоратчилар корхона цехларида қора ва рангли металл чиқиндиларига нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлинаётганлиги тўғрисида жиддий фактларни очиб ташладилар.

Айниқса қуюв цехида аҳвол ёмон. Металл чиқиндилари тартибсиз ҳар жойда сочилиб ётибди. Уларни ойлаб ҳеч ким йиғиб олмайди. Қуюв цехида магнит сепаратори бўлмаганлиги учун шундай катта исрофгарчилик вужудга келган. 1 ва 2-механика цехида ҳам металлга нисбатан шундай муносабатда бўлиняпти. Пўлат деталь қириндилари чўян қириндиларига аралашиб ётибди. Буларни тўплаш билан ҳеч ким шуғулланмайди.

Буни нормал ҳол деб бўлмайди. Заводда қора ва рангли металл чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, давлатга топшириш юзасидан тез орада тўла тартиб ўрнатилиши керак.

ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

РЕСТОРАНЛАРДАГИ ЮЛҒИЧЛИК

Шаҳар халқ контроли комитетининг активистлари ўзларининг кейинги текширувларидан бирини Тошкентдаги ресторан ва кафелар ишига бағишладилар. Рейд давомида бу жойларда совет савдоси қоидаларини жиддий бузиш ҳоллари давом этаётганлиги аниқланди. Ресторанлар трести ўзига ажратилган фонддан фойдаланиши ҳам ёмон аҳволда. Ўтган йили шаҳар ресторанлари ўзлари учун ажратилган пиволардан 24 минг декалитр, 2 миллион шиша минерал сув ва бошқа кўпгина маҳсулотларни кам олди.

Трестда идоралар томонидан назорат олиб бориш жуда суст йўлга қўйилган. Трест инспекторлари томонидан олиб борилган текширувлар пайтида ҳеч қандай жиддий нуқсонлар топилмайди. Ваҳоланки, шаҳар халқ назоратчилари трестнинг 21 корхонасини текширганларида, 11 ресторан ва кафеда совет савдоси қоидалари қўпол равишда бузилаётганлигини аниқладилар. Халқ назоратчилари топган камчиликларнинг аксарияти хўрандаларнинг ҳақидан уриб қолишдан, таомни нормадан кам сузиш, ресторан ва кафе хизматчиларининг қўполликларидан иборат бўлди.

Масалан, «Россия» ресторанида қовурилган товуқнинг икки порциясидан 60 граммдан ҳам кўпроқ уриб қолинган. Лағмон ва қовурмада ҳам шунча гўшт етишмайди. Булардан ташқари, лабораторияда олиб борилган текширувга кўра, бу ердаги таомларнинг калорияси нормадагидан 15—20 процент кам чиқди.

Халқ назоратчилари «Саёҳат» ресторанини текширганларида буфетчи Аббосова 6 шиша пиво харид қилган хўрандадан 1 сўм 18 тийин уриб қолган. «Баҳор», «Зарафшон», «Тошкент», «Гулистон», «Октябрь», «Чилонзор» ва бошқа ресторанларда ҳам шу каби фактларга дуч келинди.

Совет савдоси қоидаларини қўпол равишда бузишга йўл қўйганлиги учун шаҳар халқ контроли комитетининг қарори билан Тошкент ресторанлар трести директори Ўрозбоев, «Россия» ресторани директори Исматов, «Саёҳат» туристик комплекси директори вазифасини адо этувчи Хахин, комплекс директори ўринбосари Содиқов, «Зарафшон» ресторани директори Усмонов жазоландилар.

ЭСКИЧА УСУЛДА ИШЛАШЯПТИ

Фан ва техника эришган ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги қандай ошмоқда? Республика енгил саноат министрлигининг шаҳарда жойлашган корхоналари иши устидан назорат олиб борган халқ назоратчиларининг текшируви ана шу масалага бағишланган.

Рейд давомида Кўн-мўйна заводи, шунингдек «Сувенир», спорт товарлари, каноп-йигирув фабрикаларида фан ва техника эришган ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этишга, прогрессив технология жараёнларини, янги материал ва ускуналарни ўзлаштиришга ҳамон етарли даражада эътибор берилмаётганлиги аниқланди. Масалан, «Сувенир» фабрикасида 1977 йилда ва 1978 йилнинг биринчи кварталида ускуналарни механизациялаштириш ва модернизациялаштириш юзасидан белгиланган 36 ташкилий-техникавий тадбирлардан атиги 20 таси бажарилган. Фабрикада кўп вақтлардан буён техникавий асосланган нормалар жорий этилмайди. Юк ортиш-тушириш ишларининг механизацияси бундан йигирма йил муқаддамги даражада турибди. Фикримизнинг далили учун ўтган йили ва шу йил бошидан буён фабрикага жами 95 минг сўмлик 35 рекламация келганлигини айтишнинг ўзи кифоя.

Кўн-мўйна заводида ва спорт товарлари фабрикасида мавжуд ускуналардан яхши фойдаланилмаяпти. Бу фабрикаларда ўрнатилган ускуналар эскириб кетганлиги учун ҳам улар тез-тез ишдан чиқиб туради. Шунга қарамай, фабрикада станок паркини янгилаш сустлик билан олиб борилмоқда, ёрдамчи жараёнлар, шунингдек, юк ортиш-тушириш ишлари ҳанузгача қўл кучи билан бажарилиб келинмоқда.

Шаҳар халқ контроли комитети қабул қилган қарорида фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этишда юз берган ана шу камчиликларнинг сабаби — бош механика ва бош технологлар хизмати ишида йўл қўйилган жиддий нуқсонлардан келиб чиққандир. Шаҳар халқ контроли комитетининг қарори билан юқоридаги корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан жазо чоралари қўлланди.

РАССОМ ШАРҲЛАРИ

Станоклар бекор турибди

Енгил металл конструкциялари, электромонтаж буюмлари, санитария-техника ускуналари заводи ва бошқа бир қатор корхоналарда технология ускуналаридан ўта самарасиз фойдаланилмоқда. Ҳамза район халқ назоратчилари ана шу корхоналарнинг цехларида бўлганларида шундай қарорга келишди. Масалан, енгил металл конструкциялари заводининг механика цехидаги 32 та ускунадан 20 таси турли баҳоналар билан ишламай турибди. Номлари тилга олинган бошқа корхоналарда ҳам худди шундай манзаранинг гувоҳи бўласиз. Район халқ контроли комитети топилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилади.



Нормадан ошириб юборилди

Куйбишев район халқ назоратчилари Тошкент нефть базасида, экскаватор заводи ва 4-қурилиш трестининг ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармасида темир йўл вагонларидан юкларнинг туширилиш муддатини текширдилар. Маълум бўлишича, экскаватор заводида вагонлар 24 соатлаб юк билан туриб қолган. Бу белгиланган нормадан бир неча бор ортиқдир. Нефть базасида эса, цистернадаги ёнилғини ўз вақтида тушириб олинмаганлиги учун 24 минг сўм жарима тўланди. Район халқ контроли комитетининг қарори билан номлари тилга олинган корхоналарнинг раҳбарлари вагонларнинг бекор туриб қолганлиги учун қаттиқ жазоландилар.


ПРО ЭТИ ВАГОНЫ ЛЮДИ ДАВНО ЗАБЫЛИ, НАМ ТУТ БУДЕТ УЮТНО!

А. Багдасарян чизган расмлар.

ОЙДИН ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ



Шаҳримизнинг адиб номи билан аталувчи майдонидаги А. С. Пушкин ҳайкали.

А. С. ПУШКИН

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

Кирмадингиз тушимга бежиз
Қирилган бош, такбирлар ила,
Қон томгувчи шамширлар ила
Ҳандақ, қалъа, деворларда сиз.
Тинглангиз, эй, оловли саҳра
Ўғлонлари, бу хушхабарни!
Асир олинг ёш чўриларни,
Жанг ўлжасин бўлашинг, илло!
Сиз енгдингиз: сизга — шараф-шон,
Қўрқоқларга — масхара хитоб.
Улар бермай чорловга жавоб,
Келтирмади зафарга имон.
Қонли жангнинг ўлжасин бу дам
Кўргач, энди бўлиб пушаймон
Дерлар: сафга қўшинг бизни ҳам.
Бироқ сиз денг: қўшмасмиз ҳеч он
Кимки шаҳид — кетди беармон
Энди улар макони жаннат,
Улар учун энди ҳеч қачон
Бузилмагай ул мангу лаззат

* * *

Ва ҳоргин йўловчи шакколик қилди:
Ташналик азоби бўғзига келди
Ҳумдондек саҳрода — уч кеча-кундуз
Ҳарорат ва чангдан зўрға очиб кўз
Боқаркан атрофга ноумид, нолон
У танҳо хурмога отди ўзини
Ерилган тилию қақроқ кўзини
Оромбахш сув ила сарафроз этди
Ва хачир ёнида уйқуга кетди —
Устидан ўтдилар йиллар карвони:
Бегубор тангрининг шудир фармони —
Келганда йўлчига уйғонмоқ они,
Кўз очиб тинглади олис нидони:
«Кўпданми уйқуга кетдинг саҳрода?»
У жавоб беради: неча самода
Чошгоҳнинг қуёши незарди юксак,
Чошгоҳдан то чошгоҳ ухламен, деман.
Нидо дер: «Йўқ, йўлчи, ухладинг узоқ,
Етганда ёш эдинг, қарибсан-ку, боқ.
Боқ, хурмо ўрнида бир ҳовуч кукун,
Бу сувсиз масканда қуримиш бутун
Қум босган ул қудуқ — саҳро булоғи
Боқ, ётар оқариб хачир чаноғи».
Ғам билан оҳ чекди бир лаҳзалик чол
Қалтироқ бошини эгиб бемажол...
Мўъжиза рўй берди шу дам саҳрода
Барига жон кирди, янги жилода
Бот яна силкинди эпкиндан хурмо,
Бот яна мавжланди қудуқ руҳафзо.
Оқарган суяклар тикланиб бир-бир,
Вужудга кирдию ҳанг тортди хачир
Ва йўлчи куч туйди, қувонч жўш урди,
Қонида тирилган ёшлик гупурди,
Илоҳий бир ҳайрат кўзғолди унда
Худони ёд айлаб йўл олди шунда.

* * *

Оздирмагил ақлдан, худо.
Ундан авло тўрваю асо;
Ундан заҳмат, ранж авло.
Бу, ақлимни қадр қилганим, —
Айрилмоқни даҳшат билганим
Учун эмасдир асло:
Ўз эркимга қўйсалар, ул кун
Қандай яйраб, мисли шўх қулун
Чопардим ўрмон томон!
Мен энтикиб куйлардим қўшиқ,
Унутардим ўзимни жўшиб,
Сирли ўйлардан комрон.
Тинглар эдим мавжларни бедор,
Боқар эдим мамнун, бахтиёр
Бўм-бўш осмонга узоқ;
Бўлар эдим чўнг қудрат туққан,
Ерни титиб, эманни йиққан
Қуюн мисоли у чоқ.
Лекин чатоқ: озсанг ақлдан,
Қўрқинчлисан ўлатдек ул дам,
Сени бандда тутарлар
Ва занжирга боғлашар ҳар кун,
Сўнг панжара ортидан маймун
Каби мазаҳ этарлар.
Тунда эса, мен — шўрлик жинни
На булбуллар таратган унни,
На ўрмонни тинглайман —
Ўртоқларим чинқирар фақат,
Назоратчи қичқирар фақат,
Фақат шалдирар кишан.

Абдулла ШЕР таржималари

ШОИР ҲАҚИДА СЎЗ

Александр Сергеевич Пушкиннинг қайси бир жилдини қўлга олманг, унинг сўзлари юрагингизни сеҳрлайди, худди баҳор қуёшида яйраган дай бўласиз. Бу асарлар яратилгандан буён кўп даврлар ўтди, халқлар тарихида не-не воқеалар, ҳодисалар, ўзгаришлар гирдоби юз берди, лекин шоир тараннум этган фикрлар, ҳислар, картиналар шундай тирик, шундай ёркинки, гўё замонлар уларнинг руҳини, борган сари камолотга эриштирган. Улуғ рус халқининг гениал шоири ва жаҳон адабиётининг нодир санъаткори, ўз поэмасининг кўкламги боғи билан юракларни ҳамиша баҳраманд этади, ҳамиша юксалтиради, ҳамиша мазмунан мавжлантиради.

ОЙБЕК.

◆

Ўзбек ёзувчилари Толстой, Пушкин, Лермонтов ва бошка рус адиблари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида улардан жуда кўп нарсаларни ўргандилар. Рус классик ёзувчиларининг ижоди ўзбек совет ёзувчилари учун бадиий маҳоратни эгаллашда катта мактаб бўлди.

Ғафур ҒУЛОМ.

◆

Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш натижасида ўзбек совет адабиёти ва унинг поэзияси ниҳоятда бойиди. Пушкин асарлари устида ишлаш натижасида ўзбек шоирлари жуда катта мактаб ўтган бўлдилар. Пушкин ижоди билан яхшилаб танишиш катта сабоқ бўлса, уни ўзбек тилига таржима қилиш устидаги иш ундан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга.

Ҳамид ОЛИМЖОН.

◆

Пушкин поэзияси бизнинг ёшларимизни мардонавор, журъатли ва ғайратли қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Чунки мардлик кишиларимизнинг асосий сифатидир.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

Халқ университетида пушкинхонлик

Ҳамза районидаги «Янгиобод» маҳалласининг «Нафосат» халқ университетида машғулотлар мунтазам олиб борилмоқда.

Куни кеча университетнинг навбатдаги машғулоти Ҳамза районидаги 67-мактабда бўлиб ўтди. У «Пушкин ва ўзбек адабиёти» мавзуига бағишланди.

Пушкинхонликни «Нафосат» университетининг проректори, филология фанлари кандидати Т. Мирзаев кириш сўзи билан очди. Сўнгра «А. С. Пушкин асарларининг ўзбек тилига таржимаси тарихидан» мавзусида филология фанлари доктори С. Эркинов доклад қилди. Филология фанлари кандидати Ғ. Мўминов ўзининг «Пушкин ижодида Шарқ халқлари фольклор мотивлари» ҳақидаги докладида А. С. Пушкин асарларининг халқчиллигини таъкидлади.

ЎзТАГ-60 ёшда

Ўзбекистон Информация агентлиги — ЎзТАГ ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонламоқда. Бундан 60 йил муқаддам 1918 йилнинг май ойларида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг буйруғи билан ташкил этилган Информация агентлиги эндиликда республиканинг расмий информацион органи, Совет Иттифоқи Телеграф агентлиги — ТАССнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

60 йил мобайнида ЎзТАГ ишининг мазмуни ҳам, ҳажми ҳам, технологияси ҳам тамомила ўзгарди деса бўлади. Дастлабки йилларда чет эл ва Совет Иттифоқи хабарлари Москвадан телеграф лентаси орқали олинар ва пойтахтнинг ўзидагина чиқадиган газеталарга юборилар эди.

Эндиликда ЎзТАГ пойтахтимизда чиқаётган 12 республика газетасига, тармоқ газеталарига, 24 область газеталарига, 150 дан зиёд шаҳар ва район газеталарига, радио ва телевидениега хизмат қилмоқда. Уларни ҳар куни 15 соат давомида Совет Иттифоқи ва чет эл хабарлари билан, республика хабарлари ҳамда фотосуратлар билан таъминлаб турмоқда. ЎзТАГ ҳар куни рус, ўзбек, қорақалпоқ ва тожик тилларида 1 миллион сўзни қабул қилиб олиб, республика, область ҳамда шаҳар газеталарига юбора оладиган электрон техника — алоқа аппаратлари билан жиҳозланган. Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида ўзбек тилида чиқаётган газеталар ҳам шу тез ишлайдиган телетайп аппаратлари хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

Ўтган бир йил ичида редакцияларга, радио ва телевидениега чет эл ва Совет Иттифоқи ҳаётига доир ТАССдан олинган ва республиканинг ўзида бўлиб ўтган муҳим воқеалар тўғрисида ТАСС ва ЎзТАГ мухбирлари тайёрлаган 24 минг хабар юборилди.

Республикада ҳар куни бўладиган муҳим воқеалардан хабардор бўлиб туриш, шу ҳақда редакцияларга, радио ва телевидениега хабар юбориш, керак бўлса суратга олиш — ЎзТАГ ишининг муҳим соҳаларидан биридир. ЎзТАГнинг республика ахборот дирекцияси ўтган бир йил ичида республика аҳамиятига молик 5 мингга яқин воқеанинг бевосита гувоҳи бўлиб газетхонларни, радио тингловчиларни шу ҳақда хабардор қилди. Бу хабарларни ЎзТАГнинг чаққон, ҳозиржавоб мухбирлари — Бухородан А. Фозилов, Термиздан А. Величанская, Тошкентда — Г. Г. Кружилин, М. Кошеватский, В. Ф. Остролуцкий, Н. Смирнова, О. М. Панова, И. Туҳфатуллина ва бошқалар тайёрлайдилар.

Газеталар ва радио учун ТАСС хабарларини, расмий ҳужжатларни ва республика янгиликларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таржима қилиш — ЎзТАГда марказлаштирилган. Бу тадбир муҳим расмий ҳужжатларнинг тез, пухта ва бир хилда таржима қилинишини, малакали таржимонлар кучидан тўғри фойдаланишни таъминлайди.

Тажрибали таржимонлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Насибулла Ҳабибуллаев, Шербек Алиев ва Собит Тоиров, Шарофиддин Туробовлар ўзбек тилига, қорақалпоқ тилида А. Косшетеров ҳамда уларнинг бевосита мураббийлигида Турсунали Саъдиев, Ислом Шафигин, Иқбол Эгамбердиева, Саида Алиева сингари қобилиятли ёш таржимонлар ва редакторлар ишламоқда.

ТАСС системасидаги таржимонларнинг маҳорати шундаки, улар жанри, мавзуи, ҳажми жиҳатидан хилма-хил материални дарҳол қўлга олиб таржима қилишга қодир. Бизда таржима иши худди бир конвейердек ташкил этилган деса бўлади. Катта расмий ҳужжатнинг биринчи саҳифаси телетайп орқали ТАССдан олиниши биланоқ таржимонлар унинг охирги саҳифаларини кутмасдан дарҳол таржима қилишга киришадилар ва шу онда лентага олинади, лентанинг бир учи телетайп аппаратига уланиб, республика ва область газеталарига берила бошлайди. 5—10 минут ўтар-ўтмас бу ҳужжатнинг ўзбекча таржимасининг биринчи саҳифалари Душанба ва Ўшда, республикамиз область редакциялари масъул секретарларининг столи устида бўлади. Бўлимда ҳар куни 75 — 80 бет материал, бир йилда 25 — 30 том китоб ҳажмида хабар, мақола таржима қилинаётганлиги — ишнинг миқёси, масъулиятини кўрсатиб ўтиш учун кифоя қилади.

Ўзбекистон Информация агентлигининг таржима бўлимида жамоатчилик асосида редакцион кенгаш ишламоқда. Унинг составида география фанлари доктори Ҳамидулла Ҳасанов, таниқли таржимонлар ва редакторлар — «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари Мирғиёс Неъматов, «Ўзбекистон коммунисти» журнали редакторининг ўринбосари Зиёвуддин Ёқубов, таниқли журналистлардан Абдукарим Набихўжаев катта ва расмий ҳужжатларни таржима ва таҳрир қилишда бевосита қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Информация агентлиги ижодий коллективининг энг муҳим вазифаларидан бири — КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон меҳнаткашлари эришаётган оламшумул ғалабалар билан Совет Иттифоқи ва чет эл газетхонларини таништириб туришдан иборат. Бу жиҳатдан КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи телеграф агентлиги — ТАСС олдига қўйган вазифалари тамомила ЎзТАГ коллективи учун ҳам иш программаси ҳисобланади.

ЎзТАГнинг маҳаллий матбуот редакцияси область, шаҳар ва район газеталарини республикамиз меҳнаткашлари олдида турган муҳим вазифаларга доир оригинал мақолалар, тематик саҳифалар, подборкалар билан таъминлаб турибдир. Бу редакция ўз ишида олимлар, партия — совет ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан иборат кўплаб активларига суяниб ишламоқда.

Ўзбекистон Информация агентлигининг ижодий коллективи ўз олдида муҳим ва масъулиятли вазифалар турганлигини, бу вазифалар оперативликни кучайтиришни, хабарларнинг сермазмун, жанговар партиявий руҳда бўлиши, бунинг учун журналистик маҳоратни тинмай ошириш кераклигини яхши англайди.

Кенг меҳнаткашлар оммасини жаҳонда, Совет Иттифоқида бўлаётган кундалик муҳим воқеалардан ўз вақтида хабардор қилиб туриш, меҳнаткашларни халқлар дўстлиги, социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида партиянинг жанговар ёрдамчилари бўлиш — ЎзТАГ журналистларининг муқаддас бурчидир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет журналистлари ишига берган юксак баҳоси, унинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларида матбуот ходимлари олдига қўйган вазифалари ижодий коллективимизни мана шу юксак талаблар даражасида бўлишга руҳлантирмоқда.

Я. ЙУЛДОШЕВ,
ЎзТАГ чет эл ва Совет Иттифоқи ахборот редакциясининг бош редактори.

◆

УЗБЕКИСТОН ИНФОРМАЦИЯ АГЕНТЛИГИ. Бу ерга республикамизнинг турли бурчакларидан фотомухбирлар ўз суратларини юбориб турищади. Бу фотолавҳаларда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг беш йилликнинг учинчи йилида қўлга киритаётган ютуқлари ҳикоя қилинади.

СУРАТДА: ТАСС учун юбориладиган фотосуратлар танланмоқда. (чапдан-ўнгга) Фотомухбир Р. Шамсутдинов, масъул випускающий А. Покатилов, фотомухбир А. Авазов, ЎзТАГ фотохроникаси бош редактори Ю. Кукаркин.

РСДРП иккинчи съезди тўғрисида ҳикоя

В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида РСДРП иккинчи съездига бағишланган экспозиция янгиланди. Ҳозир бутун мамлакат шу съезднинг 75 йиллигини кенг кўламда нишонламоқда.

Стендларда тарихий съездга тайёргарликнинг бориши ва унинг ўтказилишини ифодаловчи янги экспонатлар пайдо бўлди. Владимир Ильич ёзган съезд материалларининг, жумладан, РСДРП программаси ва уставининг фотонусхалари қўйилган. Диаграммалар ва бошқа материаллар РСДРП иккинчи съездининг мамлакатда революцион ҳаракатнинг ривожига нақадар зўр таъсир ўтказганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Янги типдаги партияни тузишдан мақсад ва унинг вазифаларини тушунтириб берган Ленин асарларининг Туркистонда оммалашуви тўғрисида ҳикоя қилувчи экспонатлар музей томошабинларида зўр қизиқиш туғдирмоқда. «Искра» газетасининг бир қанча нусхаси қўйилган. Буларнинг айримлари Тошкентга, Самарқандга, ўлканинг бошқа шаҳарларигача етиб келган. Стендларнинг бирида РСДРП иккинчи съездининг иши якунлари тўғрисидаги ахборот босилган варақани кўрамиз. Чор охранкаси ана шундай варақаларнинг бир нечтасини Тошкентдаги эркаклар собиқ гимназиясидан топиб олган эди.

Музей экскурсоводлари большевизмга асос солган тарихий съезд тўғрисида стендлар олдида суҳбатлар ўтказишмоқда. Улар бир залдан иккинчи залга ўтар эканлар, партия улуғ Ленин васиятларини бажариш, мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият барпо этиш соҳасида амалга оширган жуда буюк ишларнинг улуғвор манзарасини кўрсатиб бермоқдалар.

Шу кунларда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ўз залларининг чегараларини кенгайтирмоқда. Ленин партияси РСДРП II съездидан кейин босиб ўтган йўлни акс эттирувчи кўчма виставка ташкил қилинди. Виставка шаҳарнинг бир қанча корхоналарида кўрсатилади. Бу корхоналарда шонли санага бағишланган тематик лекциялар ўқилади.

(ЎзТАГ).

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. НЕЪМАТОВ: Қандай асарларнинг авторларига авторлик ҳуқуқи берилади?

Жавоб: Узбекистон Совет Социалистик Республикасининг гражданлик Кодексига биноан авторлик ҳуқуқи фан, адабиёт ёки санъат асарларига, уларнинг шакли, мақсади ва қимматидан, шунингдек қай тарзда акс эттирилишидан қатъий назар жорий қилинади.

Авторлик ҳуқуқи чиқарилган ёки чиқарилмаган бўлса-да, аммо авторнинг ижодий фаолияти натижасини акс эттиришга имкон берадиган бирон-бир объектив формада ифодаланган асарларга (қўлёзма, чертёж, расм, омма олдида чиқиш ёки ижро этиш, плёнка, механик ёки магнит ёзув ва ҳоказоларга) жорий қилинади.

* * *

А. ТОЛИПОВ: Мен футболга жуда қизиқаман. Иложи бўлса футбол қаерда пайдо бўлгани, мамлакатимизда ва республикамизда футбол командалари қачон ташкил қилинганлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: «Футбол» сўзи инглизча «фут» — оёқ, «бол» — тўп маъносини билдиради. Оёқ тўпи билан одамлар жуда қадим замонларда ҳам шуғулланишган. 1863 йилнинг 8 декабри футбол расмий ўйин сифатида дунёга келган кун ҳисобланади.

Мамлакатимизда биринчи бўлиб ташкил қилинган команда Санктпетербург «Спорт ишқибозлари клуби» ва Санктпетербург «Футболчилар тўгараги» ҳисобланади. Бу командалар 1898 йилнинг 13 сентябрида ўзаро расмий учрашув ўтказишган.

Республикамизда дастлабки футбол командаси 1911 йилда Фарғона шаҳрида ташкил қилинган.

* * *

И. АБДУЛЛАЕВ, А. ОРИПОВ: Биз ўрта мактабда ўқиймиз. Бокс билан шуғулланиш ниятимиз бор. Бизга шундай тўгарак қаерда борлиги ва унга қабул шартлари ҳақида маълумот берсангиз:

Жавоб: Шаҳримиздаги 8-болалар спорт мактабида бокс секцияси ҳам мавжуд. Ҳафтада уч марта бўладиган машғулотларни тажрибали спорт мастерлари олиб боришади. Секциянинг дастлабки жисмоний тарбия группасига ўн икки ёшли болалар қабул қилинади. Секцияга кириш учун медицина кўригидан ўтиш шарт.

Мактаб Чилонзор массиви, Қатортол кўчасидаги 10-уйда жойлашган. У ерга 29, 32, 33, 34, 50, 41, 54, 70, 75, 79-автобуслар билан борилиб, «Шуҳрат» мактаб-магазини бекатида тушилади. Ўзингизни қизиқтирган масалалар бўйича мактабга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин. 76-43-23, 76-37-90, 76-37-91.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Шу куни ҳаво булут бўлиб, ёмғир ёғар эди. 7-таксомотор паркининг ҳайдовчиси С. Храпков Свердлов кўчаси бўйлаб Пишпек кўчаси томон борар эди. У автомашинани бураётганда, машина ҳўл кўчада сирпаниб кетди ва бориб темирбетон устунга урилди. Такси машинаси устунга урилаётганда унинг олд томон эшиги очилиб кетди ва машина ичида ўтирган йўловчи О. Старикова кўчага йиқилиб, танаси жароҳатланди.

Ҳайдовчи С. Храпков тўғрисидаги материаллар Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссиясига ҳавола қилинди.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

БУ ЗАРУР КАСБ

Сиз мактабни тугатдингиз ва қаршингизда бир муаммо кўндаланг турибди: қандай касб танлаш керак?

КЎПДАН КЎП ҚИЗИҚАРЛИ КАСБЛАРДАН БИРИ — СОТУВЧИЛИК КАСБИДИР.

СИЗЛАРНИ «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»га ҚАРАШЛИ 40-МАКТАБ-МАГАЗИНГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Ўқиш мобайнида сиз савдо эстетикаси, этика, экономика соҳасида билим оласиз, устозлар — ишлаб чиқариш мастерлари раҳбарлигида эса магазин прилавкалари ёнида бевосита уч ойлик практика ўтасиз. Практика келгуси ишингиз учун зарур тажриба ва меҳнат кўникмаси беради.

6 ойдан сўнг сиз саноат моллари кичик сотувчиси ихтисосини эгаллаб чиқасиз ва «Таштекстильшвейторг»нинг истаган магазинида ишлаш ҳуқуқини қўлга киритасиз.

Мактабни битиргач, хоҳловчилар бўлса имтиёзли равишда Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига ўқишга кириши мумкин.

Мактаб-магазинига 16 ёшдан 23 ёшгача бўлган 8—10 синф маълумотидаги қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Тошкентда доимий пропискада бўлиши шарт. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 62 сўмгача стипендия тўлаб борилади.

МАКТАБ-МАГАЗИНИДАГИ 6-ОЙЛИК ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

«Таштекстильшвейторг»нинг 40-мактаб-магазинига кириш учун қуйидагиларнинг бўлиши шарт: ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилиш ҳақидаги гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги ишлаб турган жойидан характеристика, агар бўлса — меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан справка, 2 та фотосурат (4Х6 см. ҳажмида).

«Таштекстильшвейторг»нинг 40-мактаб-магазини адреси: Тошкент шаҳар, «Халқлар дўстлиги» проспекти; 34-уй (метронинг «Чилонзор» станциясигача, у ёғига 70, 84-автобусларнинг «ДОСААФ» меҳмонхонаси» бекатигача юрилади).

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»
«Узторгреклама» телепрессагентлиги.

ЁЗ. МИКРОИҚЛИМ. КОНДИЦИОНЕР

ЁЗНИНГ ЭНГ ИССИҚ КУНЛАРИДА «БК—1500» РЎЗҒОР КОНДИЦИОНЕРИ ХИЗМАТ ХОНАЛАРИДА ВА КВАРТАЛЛАРДА САЛҚИНЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Кондиционер ёрдамида хонадаги ҳарорат 8—10 градусга пасаяди ва у автоматик равишда сақлаб турилади, хона ҳавоси чангдан тозаланади.

«Вентиляция» ҳолатида ташқаридан соф ҳавонинг кириши таъминланади.

«БК-1500» кондиционерининг модели ротацион типдаги компрессор билан жиҳозланган. Ана шу тариқа кондиционер шовқинсиз ишлайди.

Шовқиннинг камайишига, шунингдек пластмассадан ясалган корпус ҳам имкон беради.

Кондиционер кўп жой эгалламайди, замонавий жиҳозланган ва квартиранинг умумий ҳолатига яхши ўтиришади.

«БК—1500» кондиционери электр тармоғидан 220 вольт кучланишда ишлайди.

Рўзғор кондиционери тайёрлаб чиқараётган Боку заводи уларнинг магазиндан харид қилинган кундан бошлаб 2 йил мобайнида бузилмай ишлашига кафолат беради.

«БК-1500» рўзғор кондиционери Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган. Унинг монтаж қурилмаси билан биргаликдаги баҳоси — 442 сўм 30 тийин.

«БК—1500» кондиционерни барча савдо марказларда ва ихтисослаштирилган магазинлардан нақд пулга ва кредитга сотиб олиш мумкин.

Завод ательесининг малакали мутахассислари кондиционерни дераза ромига тез ўрнатиб берадилар.

Кондиционерни ўрнатиш ва созлаш масалалари юзасидан қуйидаги адресда жойлашган Тошкент Бош ательесига мурожаат қилиниши лозим: Тошкент — 185, «Халқлар дўстлиги» проспекти, 4—4 «а»-уй. Телефон: 77-65-69.

«БК-1500» РЎЗҒОР КОНДИЦИОНЕРЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

УЛАР ЁЗНИНГ ИССИҚ КУНЛАРИДА ХОНАДА МИКРОИҚЛИМНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

«БОШ УНИВЕРМАГ» МАГАЗИН.
«УЗХОЗТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО базаси.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

«ИНТУРИСТ» АКЦИОНЕР ЖАМИЯТИ БАЗАСИДАГИ

129-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОШПАЗ (чет эл пазандачилигини билган ҳолда). **Ўқиш муддати —2—3 йил;** ОФИЦИАНТ (чет тилини билиш билан), ҚАНДОЛАТЧИ. **Ўқиш муддати— 2 йил;** ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ СОТУВЧИСИ. **Ўқиш муддати 1 йил;** САНОАТ ТОВАРЛАРИ СОТУВЧИСИ. **Ўқиш муддати—1—3 йил, 8—10-синф маълумотидаги кишилар қабул қилинади;** СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ МЕХАНИГИ. **Ўқиш муддати — 1 йил. 10 синф маълумотидаги кишилар қабул қилинади.**

Ўрта маълумотдаги ўқувчиларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 проценти тўлаб борилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар бепул овқат, устки кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 30 проценти билан таъминланади.

Билим юртини тамомлагач, савдо министрлиги ва Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон территориясидаги «Интурист» корхоналарида ишлайдилар.

Билим юртини тугатгач, уларга ўрта маълумот ҳақида аттестат топширилади.

Машғулотлар — зарур кўргазма қуроллари билан жиҳозланган кабинетларда ўтказилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртида 8 та спорт секцияси ва бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 3 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Юнусобод» массиви, Д—2, Аҳмад Дониш кўчаси, 28-уй, (51-автобуснинг «Билим юрти» бекати, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Универсам» бекати).

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1978—79 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Полиграфия машиналари ва ускуналари, юқори босма т нологияси, брошюралаш ва муқовалаш технологияси, ки савдо товаршунослиги, полиграфия корхоналарида планла тириш, иш юритувчилик.

Ўқиш муддати: «Китоб савдоси товаршунослиги» ва «П лиграфия саноати корхоналарида планлаштириш», «Иш юр тувчилик» мутахассисликлари бўйича— тўлиқсиз ўрта маъл мотлилар учун 2 йилу 10 ой, ўрта маълумотлилар учун 1 йи 10 ой; қолган барча мутахассисликлар бўйича-тўлиқсиз ўр маълумотлилар учун 3 йилу 6 ой, ўрта маълумотлилар уч 2 йилу 6 ой.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон то ширадилар:

Тўлиқсиз ўрта маълумот билан 1 курсга кириш учун — она тили (диктант), математика (оғзаки); ўрта маълумот билан 2 курсга кириш учун— ўзбек тили ва адабиёти (иншо), математика (оғзаки).

Эслатма: «Китоб товаршунослиги», «Иш юритувчилик» мутахассисликлари бўйича 2 курсга кирувчилар математика ўрнига тарих фанидан имтиҳон топширадилар.

Қабул қилинган ўқувчилар умумий асосда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

АРИЗАЛАР —31 ИЮЛГАЧА (ўрта маълумотлилардан 14 августгача) ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: Тошкент — ГСП. Навоий кўчаси, 30 «а»-уй (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 1, 2, 4, 6, 7, 8, 14, 18-троллейбуслар; 14, 28, 43, 42, 64, 65, 76, 100-автобусларнинг «Хадра» ёки «Марказий телеграф» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

«Ё Ш Л И К»

кичик сотувчилар, сотувчилар, контролёр-кассирлар, ишчилар, фаррошлар.

ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко, кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ—К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

16, 18, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Уйинчоқ —«ФЕСТИВАЛЬ» (20.50, 22.30).

Ҳеч қандай муаммога ўрин йўқ — ХИВА» (20.50, 22.30).

С. Раҳимов районидаги 4-поликлиника коллективи врач Н. Абдуллаеваға онаси

Башорат
ҚОСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 03411. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1344.